

«КЕЛИШИЛГАН»  
Янги тиббий техника қўмитаси раиси  
Ф.Т.Холтоев  
2021 й.“ 07 ” 01



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА "ХИЛО-КЕА" юмшатувчи қўз томчилари, 10 мл дан

Савдо номи: ХИЛО-КЕА

Чиқарилиш шакли ва ҳажми: қўз томчилари, 10 мл.

Таркиби:

гиалурон кислотасининг натрийли тузи 1 мг/мл, декспантенол 20 мг, цитрат буфери, инъекция учун сув.

### Қўлланилиши

Турли хил этиологияли қўз касалликларида ва шикастланишларида регенерация жараёнларини намлантириш ва стимуляцияси учун (кератит, кератоконьюктивит, шох пардани эрозияси, кўзлар куйишида, турли генезли шох парданинг дистрофик ўзгаришларида, хар қандай офтальмологик операциялардан сўнг, ёд жисмлар томонидан келиб чиқсан шох пардани эпителий шикастланишларида, “куруқ қўз” синдромида, контакт линзалардан фойдалинлганда, шунингдек бактериал, вирусли ёки замбуруғли этиологияларида шох пардадаги инфекцион жараёнларнинг асосий даволашда қўшимча терапияси сифатида) қўлланилади.

### Хусусиятлари

ХИЛО-КЕА гиалурон кислотасининг стерил сувли эритмаси, тўқималар ва организмдаги суюкликларда, шу жумладан қўз тўқималарида жойлашган таббий полисахаридни ўз ичига олади. Кимёвий тузилиши туфайли гиалурон кислотаси ўз оғирлигидан кўп марта оғир миқдордаги сувни қамраб олади ва ушлаб туради (гиалурон кислоасининг 1 молекуласи 200-500 сув молекуласини боғлайди). У жуда яхши намлантирувчи, шох пардани юзасини оптимал ёпишқоқлик ва узоқ вақт kontaktда бўлиш хусусиятига эга. Гиалурон кислотаси қўз ёши плёнкасини барқарорлигини оширади, кўзнинг юзасида намликни сақлади, шунингдек эпителияни ҳимоя қиласи ва регенерация жараёнларини фаоллаштириш қобилятига эга.

Бундан ташқари ХИЛО-КЕА Декспантенол – В гурухи витаминаларини сақлади. Декспантенол организмда пантотен кислотасига айланади, у коэнзим А нинг ажралмас қисми бўлиб, ацетилланиш жараёнларида, углевод ва ёғ алмашинувида, ацетилхолин, кортикостероид, порфириналар синтезида иштирок этади; терининг шиллик қавати регенерациясини стимулациялади, хужайра метаболизмини нормаллаштиради, митозни тезлаштиради ва коллаген толаларини мустахкамлигини оширади. Қайта тикловчи, метаболик ва бироз яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

ХИЛО-КЕАшох парданинг юзасида бир текис, узоқ муддат намловчи плёнка ҳосил қиласи ва қўзларни милтиратганда ювилиб кетмайди.

ХИЛО-КЕА томчилари оригинал мультидозали “КОМОД” флакон-томчилагичларга жойланган, бу мураккаб резервуар ва клапанлар тизимидан ташкил топган бўлиб, у ташки томонидан ҳаво кирмаслигини кафолатлади ва қўлланиладиган босим даражасидан қатъий назар бир хил ўлчамдаги томчиларни тушишини таъминлади.

Шунингдек қисман юпқа кумуш ионлари катлами билан қопланган, металл қисмлари ва флакон клапанлари ХИЛО-КЕА томчилари билан kontaktда бўлганда, бу тизимнинг мутлок зичлиги билан биргаликда консервантлар мавжуд бўлмаган тақдирда ХИЛО-КЕА томчиларининг стериллигини таъминлади. ХИЛО-КЕА таркибида фосфатлар мавжуд эмас, шунинг учун уни қўлланилганда кўриш қобилятини ёмонлаштирадиган эримайдиган

микрокристал бирикмалар ҳосил қилмайды, уни түғридан-түғри қаттиқ ёки юмшоқ контакт линзалар үрнатылганда ҳам томизиш мүмкін.

### Құллаш мүмкін бўлмаган ҳолатлар

ХИЛО-КЕА ни томчилардаги компонентларидан бирига индивидуал ўзлаштира олмасликда қўллаш мүмкін эмас.


### Қўллаш усули ва дозалари

ХИЛО-КЕА махсулотини хар бир кўзниң конъюктивал қопчасига кунига 3 марта 1 томчидан томизиш тавсия этилади. Зарурат бўлганида уни яна қўллаш мүмкін. ХИЛО-КЕАни томчилатиш тез-тезлигини ўзингизни хис қилишингиздан қатъий назар ва шифокор-офтальмолог кўрсатмасига кўра индивидуал үрнатилади. Агар Сиз ХИЛО-КЕАни жуда тез-тез қўлласангиз (масалан кунига 10 мартадан ортик), илтимос шифокор-офтальмолог билан маслахатлашиш зарур. Агар ХИЛО-КЕАни бир неача кун давомида қўлласангиз, шикоятлар ва ноқулайликлар сақланиб қолса, сиз шифокор-офтальмологга мурожаат этишингиз керак.

«КОМОД» тизими тахминан 300 томчига тўғри келадиган, ва энг тежамли дозалашга хисса кўшадиган 10 мл ХИЛО-КЕА эритмасини ўз ичига олади ва чиқариб олишга имконини беради.

### Қўллаш схемаси


1 босқич



Хар қўллашдан олдин химоя қопогини ечиш зарур (1 расмга қаранг).

1 расм.


2 босқич



2 расм.


ХИЛО-КЕА махсулотини биринчи бор қўллашдан олдин флакон томчилатгични тепага қаратиб айлантиринг. Тагидан бош бармоқлар билан ушлаб турган холда, ўрта ва кўрсатиш бармоқлар билан унинг асоси қисмига бир неча бор босинг, томчилатгич учидан биринчи томчилар чиқгунига қадар (2 расмга қаранг). Шундан сўнг тизим қўлланилишга тайёр. Томчилатгич клапанлар тизимининг асосий конструкцияси уни флакон асосий қисмига қўлланиладиган босимдан қатъий назар, хар доим тегишли бир хил ўлчамдаги томчиларни чиқариб олишга ва унинг чиқарилиш тезлигини таъминлайди.

3 босқич



3 расмда күрсатылғаның қулайлык учун ХИЛО-КЕА флаконларини ушлаб турған қўлингизни, бошқа қўлингиз билан ушлаб турушингиз мумкин.


3 расм.  
4 босқич



Бошингизни бироз орқага ташлаб, бармоқларингиз билан пастки қовоғингизни бир оз итариңг ва юқорида тарифлаб ўтилгандек конъюктива қопчасига бир томчидан томизинг (4 расмга қаранг). Кўзларингзни секин-аста юминг, бу суюқликни кўзнинг юзасида бир текис таҳсимланиши учун имкон беринг.

4 расм.

5 босқич



Муолажа тугаганидан сўнг дархол томчилатгичга химоя қалпокчасини зич ёпинг (5 расмга қаранг). Томизаётганда томчилатгич учи кўз юазсига ва тери билан контактда бўлишидан сақланинг.

5 расм.

**Болаларда, ҳомиладорларда ва эмизикли аёлларда қўлланилиши**  
ХИЛО-КЕА махсулотини болаларда, ҳомиладорларда ва эмизикли аёлларда қўллаш мумкин.

### **Ножӯя таъсиrlари**

ХИЛО-КЕА томчилари консервантлар сақламаслиги сабабли, хаттоқи уни узоқ муддат қўлланилганда ҳам яхши ўзлаштирилади. Ўта юқори сезувчанлик реакциялари, масалан ачишиш ёки кўз ёш оқиши холатлари ҳақида жуда кам хабарлар берилган, улар томчиларни қўллашни бекор қилингандан сўнг дархол ўтиб кетган.

### **Бошқа воситалар билан ўзаро таъсири**

Бошқа офтальмологик томчилар ёки суртмалар ХИЛО-КЕА томизилганидан сўнг 30 минут ўтгача қўлланилиши лозим.

### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароатда сақлансин.  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

3 йил.  
ХИЛО-КЕА кўз томчилари очилганидан сўнг флакон-томчилатгичларни 6 ой давомида қўллаш тавсия этилади.

ХИЛО-КЕА махсулотини биринчи бор томизганингиздан сўнг. Сиз флаконга унинг санасини белгилаб қўйишингиз керак. Флакон ёрлиғида пациент тўлдириш учун маҳсус устун мавжуд: “Биринчи бор қўллаш санаси”.

Ўрамида кўрсатиб ўтилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

### Ўрами

10 мл ХИЛО-КЕА эритмасини оригинал пластик флакон-томчилатгичлари, тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон кутига жойланади.

**Ишлаб чиқарувчи:** Урсафарм Арцнаймиттель ГмбХ (URSAPHARM Arzneimittel GmbH). Индустритеатрасе 35, 66129 Саарбрюкен, Германия (Industriesstraße 35, 66129 Saarbrücken, Germany).